

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА РАЙХОН САИДУМАРОВНА

**ПАРАЗИТАР ИНВАЗИЯЛИ БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ
ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТ ДАВОСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР БАХОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Отглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пулатова Райхон Саидумаровна

Паразитар инвазияли беморларда сурункали

кайталанувчи афтоз стоматит давоси

самарадорлигини клиник-лаборатор баҳолаш.....

Пулатова Райхон Саидумаровна

Клинико-лабораторная оценка эффективности

терапии хронического рецидивирующего афтозного

стоматита у больных с паразитарной инвазией.....

Pulatova Raykhon Saidumarovna

Clinical and laboratory assessment of the effectiveness

of therapy for chronic recurrent aphthous stomatitis in

patients with parasitic invasion.....

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА РАЙХОН САИДУМАРОВНА

**ПАЗИТАР ИНВАЗИЯЛИ БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ
ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗ СТОМАТИТ ДАВОСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР БАХОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/Тиб 777 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tdsi.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Хасанова Лола Эмильевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Беленова Ирина Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Камбаров Хайдар Пазилевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

М.Аспанов номидаги Қозоғистон давлат
тиббиёт университети

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc 04/30.12.2019.Тиб 59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «30» ноябр соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: tdsi2016@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (113 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй Тел/факс (+99871) 230-20-65, (+99871) 230-47-99.)

Диссертация автореферати 2022 йил «11» март куни тарқатилди.
(2022 йил «10» март даги 113 рақамли реестр баённомаси).



Н.К.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қoшидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сунги йилларда оғиз бушлиғи шиллиқ қаватида (ОБШҚ) сурункали касалликларнинг профилактикаси ва уларни даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Сурункали қайталанувчи афтоз стоматит (СҚАС) «...ер юзи аҳолисининг 5% дан 35% гача қайд этилиб, оғиз бушлиғи шиллиқ қаватида энг кўп тарқалган патология ҳисобланади»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, жаҳонда деярли 5 млрд одам протозой касаллик ва гельминтозлар билан хасталанган, улар ўз метаболизми маҳсулотлари билан хўжайинининг кўглаб аъзоларида тизимли токсик шикастланишларга олиб келади. Касалликнинг кўп тарқалганлиги ва даволашнинг кам самаралилиги тиббиёт соҳасида ушбу касалликни даволашнинг самарали усуллари тadbик қилиш заруриятини кўрсатади.

Дунёда касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Шу сабабдан иммун-метаболик жараёнларнинг тизимли ва маҳаллий бузилишини ўз ичига оловчи организмнинг ички муҳитида ўзгаришлар негизида сурункали қайталанувчи афтоз стоматитнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; аҳолини жойларда скрининг қилиш; касалликка ташхис қўйишнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқиш; касалликка ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий алгоритмларини ишлаб чиқиш; касалликнинг ремиссия муддатини узайтирувчи чоралар ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш тадқиқотларнинг устувор йўналиши булиб қолмоқда. Касалликнинг кўп тарқалганлиги ва даволашнинг самарасизлиги, шунингдек оғир шаклларга ўзгариш билан боғлиқ доимий хавф СҚАС нинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаб беради.

Мамлакатимизда тиббиётни ривожлантириш, мавжуд тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ва СҚАС га ташхис қўйиш ҳамда уни даволаш мақсадида «...аҳолига курсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юкори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш гарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган.

Ҳозирги кунда СҚАС га ўз вақтида эрта ташхис қўйиш ва уни даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади, булар асоратлар частотасини камайтиришга эришиш имконини беради, мазкур касалликнинг ремиссия муддатини узайтиради, бу аҳолининг турли катламларида ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

¹ ЖССТ нинг маълумотларига кўра, 2014-йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги 5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СҚАС патогенези тулик маълум эмас, бироқ тадқиқотчиларнинг катта қисми иммунитет тизими ҳолатининг бош роли тўғрисидаги фикрда ҳамфикр (Lipsker D. et. al., 2012). СҚАС келиб чиқишидаги асосий сабаблар сурункали инфекция учоқлари (сурункали тонзиллит, ОИТ касалликлари ва хоказолар) ва салбий омиллар таъсири (сурункали стресс, экология муаммолари ва бошқалар) натижасида иммунологик реактивликнинг камайиши ва ихтисослашмаган ҳимоянинг заифлашуви билан тавсифланади (Natah S.S. et. al., 1997). Баъзи муаллифлар ОБШҚда микробиоценознинг етакчи ролини таъкидлашади (Давыдова Т.Р., 2001).

Мамлакатимизда қатор муаллифлар СҚАС ни даволаш, унга ташхис қўйиш ва уни олдини олишнинг янги усулларини ўрганиш ва топиш устида кўплаб ишлар олиб боришган. Д. М. Рустамованинг (2007) тадқиқотлари билан СҚАС мавжуд беморларда тизимли энзимо-терапия ишлаб чиқилган, у циркуляцияланадиган иммун комплексларнинг фаол элиминацияси ва клиренсига олиб келди. Дисбиотик ўзгаришларга, оғиз бушлиғида ОБШҚ ҳимоя реакцияларининг заифлашуви билан ихтисослашмаган резистентлик камайиши мавжуд ҳомиладор аёлларда қайталанувчи афтоз стоматит билан ҳасталаниш юзасидан тадқиқотлар У. А. Шукурованинг (2018) ишларида берилган, ОБШҚдаги қизил ясси темираткини этиопатогенетик даволашни такомиллаштириш устида ишлар олиб борилган (С. Х. Юсупалиходжаева, 2019). Н. Н. Хабибова (2019) пробиотиклар, иммуномодуляторлар ва дезинфекциялаш воситаларини қўллаб СҚАС ни даволаш схемасини ишлаб чиқди. Д. М. Алимова (2021) томонидан герпесвирус ва яллиғланишга қарши цитокинлар генларининг полиморфизми даражасини эътиборга олиб, қайталанувчи афтоз стоматитга ташхис қўйиш ва уни даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, СҚАС га ташхис қўйиш, уни даволаш ва олдини олишга бағишланган кенг ҳажмдаги илмий маълумотлар, бугунги кунда унинг

гельминтоз негизда кечувида ўсиш ва оғирлик частотасининг ортиш тенденцияси СҚАС терапияси ва профилактикасининг усулларини чуқур ўрганиш ва янгиларини ишлаб чиқишни талаб этади. Бу уз навбатида диссертация ишининг долзарблигини ва заруриятини белгилайди. Бу мазкур диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларига мослигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400196 «Ташқи мухит омилларини ҳисобга олиб, асосий стоматологик касалликларга эрта ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги (2017-2022 йй) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гельминтоз инвазия билан сурункали қайталанувчи афтоз стоматити мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг шикастланишлари терапиясининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паразитар инвазия негизда СҚАС мавжуд беморларда стоматологик ҳолатнинг ўзига хосликларини аниқлаш;

гельминт инвазиялар билан СҚАС клиник кечувининг ўзаро алоқасини аниқлаш;

паразитар инвазия негизда СҚАС мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи ва ичак микробиозининг ҳолатини баҳолаш, устувор клиник-биокимёвий ўзаро боғлиқликларни аниқлаш;

паразитар инвазия негизда СҚАС мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғида ихтисослашмаган резистентлик ҳолатидаги узгаришларни аниқлаш;

гельминт инвазияли беморларда СҚАС маҳаллий ва умумий терапиясининг алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021-йиллар давомида Бухоро давлат тиббиёт институти «Стоматология ўқув-илмий-амалий маркази» да даволанган, СҚАС мавжуд, 23 ёшдан 46 ёшгача булган 97 нафар (43 эркак ва 54 аёл) беморлар ҳамда назорат гуруҳини ОБШҚ касалликлари аниқланмаган, мос ёш ва жинсли 22 нафар шахс тадқиқотга киритилди.

Тадқиқотнинг предмети илмий тадқиқотлар асосида текширилган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати, аралаш сулағи, қони, калининг таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гельминтоз мавжуд беморларда СҚАС нинг клиник кечуви ОИБ(оғирлик индексини баҳолаш) индекси, қайталаниш частотаси ва оғирлиги буйича ҳам субъектив, ҳам объектив оғирлиги аниқланган;

гельминтоз негизда СҚАС мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғида

функционал ҳолат ёмонроқ эканлиги исботланди, бу умумий иммун ҳолати ҳамда маҳаллий ихтисослашмаган резистентликнинг IgA ва IgG, sIgA, Ксб ва лизоцим каби курсаткичларини камайиши билан боғлиқ, сиал кислота, ишқорий ва нордон фосфатаза даражаси ишончли юкори, бу касалликнинг кечувини оғирлашишига олиб келиши исботланган;

СҚАС мавжуд беморларда паразитар инвазия мавжудлиги ишончли равишда дисбиотик силжишга олиб келиши аниқланди, бу оғиз бушлиғида шиллик қаватнинг микробиоценозига олиб келиши аниқланган;

гелминтоз негизда СҚАС ни комплекс даволанишида гелминтозга қарши этиопатогенетик даволаш қўлланиши СҚАС қайталанишларининг частотаси ва сонини камайтириши, бу орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликнинг давомийлиги ва айниқса паразитар инвазия негизда СҚАС мавжуд беморларнинг оғиз бушлиғида дисбактериоз ифодаланганлиги ўртасида қонуният аниқланган;

оғиз суюқлигининг биокимёвий ва иммунологик курсаткичлари қиёсий жиҳатдан баҳоланган ва СҚАС давомийлиги, оғиз бушлиғининг гигиена ҳолати ва СҚАС кечувининг оғирлиги ўртасида узаро боғлиқлик белгиланган;

СҚАС ни комплекс даволаш таркибда гелминтга қарши препаратларнинг қўлланилиши минимал иқтисодий харажатларда СҚАС ни даволашнинг тақлиф қилинаётган комплекс усули самарадорлигини ошириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, синалган, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник, усқунавий, лаборатория ва статистика усулларининг қўлланилгани; тадқиқотда беморларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий асосларга монандлиги, олинган натижаларнинг хорижий ва мамлакатимиз тадқиқотлари билан таққосланиши ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация ишининг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат: биринчи бор қиёсий жиҳатдан гелминт инвазиянинг клиник кечувга таъсири аниқланган; касалликнинг давомийлиги ва паразитар инвазия мавжудлигида оғиз бушлиғи функционал ҳолати узгаришларининг ўзига хосликлари аниқланган; паразитар инвазия мавжудлигида оғиз суюқлиги биокимёвий ва иммунологик курсаткичлари ва даволашдан кейин уларнинг динамикаси баҳоланган; паразитар инвазия мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморларди қиёсий жиҳатдан оғиз бушлиғи саломатлигининг бир нечта стоматологик индекслари ва СҚАС кечувининг оғирлик индекси курсаткичлари ўрганилган ва баҳоланган; оғиз суюқлигининг биокимёвий ва иммунологик курсаткичларини эътиборга олиб, “Гарлспин” ва “Мекретин” препаратлари қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, СҚАС ни комплекс даволаш

узули тадқиқ қилинганлигидан иборат, бу даволаш самарадорлигини ошириш, иқтисодий харажатларни камайтириш ва касаллик қайталанишини максимал кечиктириш имконини берди, бу шубҳасиз, умумий кайфият ва саломатлик курсаткичларига таъсир қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадқиқ қилиниши.

Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитга ўз вақтида ташхис қўйиш, уни самарали даволаш ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотдан олинган натижалар асосида:

паразитар инвазияли беморларда СҚАСни эрта ташхислаш ва уни узига хос кечишини инобатга олган ҳолда комплекс даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Гелминтозлар фониди СҚАС га эга беморларда стоматологик ҳолатнинг ўзига хосликлари” мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 02.08.2021-йилдан 8 н-р/694-сон буйруғи билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсиянома гелминтозлар негизида СҚАС мавжуд беморларда стоматологик ҳолатнинг ўзига хосликларини аниқлаш имконини берган;

СҚАС га ташхис қўйиш ва уни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Гелминтозга эга беморларда СҚАС ни комплекс даволаш” мавзуси бўйича услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 02.08.2021-йилдан 8 н-р/695-сон буйруғи билан тасдиқланган). Мазкур услубий тавсиянома СҚАС ни комплекс даволаш имконини берган;

гелминтоз негизида СҚАС кечуви ва уни даволашнинг ўзига хос хусусиятларини натижалари Самарқанд вилоят поликлиникалари ҳамда 3-сон Тошкент шаҳар болалар поликлиникасининг амалиётга тадқиқ этилган (Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.09.2021-йилдан 8 н-з/504-сон ҳулосаси). Олинган илмий тадқиқотларни клиника амалиётга тадқиқ қилиш натижалари бўйича гелминтоз негизида СҚАС ни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган, у қайталанишлар сонини камайтириш ва ремиссия муддатини узайтириш ҳисобига терапиянинг самарадорлигини оширди, даволаш давомийлигининг камайиши, даволаш муддатларининг қисқаришига олиб келди. Олинган натижаларнинг амалиётга қўлланилиши СҚАС қайталанишларининг сонини камайтириб, комплекс даволашни тузатиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бўб, хотима, ҳулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар

руйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсадлар, вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги курсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши ёритилган, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тугрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитнинг тарқалганлиги, этиологияси, патогенези ва даволаниши тўғрисидаги замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда СҚАС ва гельминтозларнинг тарқалганлиги, этиологияси ва патогенези, унга ташхис қўйиш ва уни даволаш усуллари тўғрисида замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. СҚАС га ташхис қўйишда турли усулларнинг қўлланилиши таҳлил қилинган, гельминтларнинг организмнинг ҳолатига ва касалликнинг кечувига таъсири ёритилган.

Диссертациянинг «**Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитга эга беморларнинг ҳолати ва уларни текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2019-2021-йиллар мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институти «Стоматология ўқув-илмий-амалий маркази» да 23 – 46 ёшли (ўртача ёш $36,4 \pm 3,3$), СҚАС мавжуд 97 нафар, улардан 43 нафари эркак ва 54 нафари аёллар, беморларни текшириш натижалари маълумотлари умумлаштирилган. Текширилган эркакларнинг ўртача ёши $34,7 \pm 3,1$; аёлларнинг ўртача ёши – $39,2 \pm 3,2$ ёшни ташкил этди. Тадқиқотга киритиш ва тадқиқотдан чиқариш мезонлари курсатилган. СҚАС ташхиси белгиланганидан сунг беморлар 2 гуруҳи шакллантирилган. Гуруҳлар бўйича булиниш гельминтозларга текшириш натижаларига мувофиқ амалга оширган.

I-гуруҳ гельминтоз негизида СҚАС мавжуд 49 нафар (50,51%) бемор;

II-гуруҳ гельминтоз патологиясисиз СҚАС билан хасталанган 48 нафар (49,49%) бемор. Назорат гуруҳи – 22 нафар.

Беморларда клиник (касалик, соматик ҳолатнинг анамнези ва шикоятлар ўрганилди), стоматологик (оғиз бўшлиғи ва тишларнинг умумий кўриги, ОНI-S, WTC INDEX, ОIБ СҚАС индекслари), лаборатор (гижжа тухумларининг кал таҳлили, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг микрофлораси, сўлакда синг кислота, ишқорий ва нордон фосфатаза даражаси, IgA, IgG, sIgA ва лизоцим даражаси ўрганилди, химоя омилларининг мувозанат коэффициенти ($K_{\text{сб}}$) ҳисобланди) усуллар ва натижаларни статистик қайта ишлаш усулларини ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг статистик қайта ишланиши вариацияни статистика усуллари ёрдамида ўтказилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариация статистикаси усулидан фойдаланиб ўтказилди. Оринини

тафовут ишончилиги Стъюдент мезонига кура 95% ишончилик оралиги билан бахоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «Текширилган беморларда сурункали кайталанувчи афтоз стоматит кўринишларининг ўзига хосликлари» деб номланган учинчи бобида текширилган беморларнинг натижалари берилди.

I гуруҳ беморлари томонидан оғирлик индексини баҳолаш (ОИБ) ўтказилганда шикоятлар қуйидагича бўлди: суткасига 3 мартадан ортик даврий амалга ошмаган оғрик – 26 (53,06%), қоринда спастик оғриклар – 30 (61,22%), қунгил айниши – 9 (18,36%), метеоризм – 11 (22,44%).

I гуруҳда тўпланган анамнез маълумотларига кура қуйидагилар кузатилди: аллергия реакциялар пайдо бўлиши 15 нафар (30,6%) беморда, аллергия дерматит – 7 ҳолатда (14,3%), аллергия ринит – 3 нафар (6,1%) беморда кузатилди.

Иккала гуруҳда анамнез тўпланганида, асосий шикоятлар қуйидаги тарзда тақсимланди: овқат тановул қилишда ва сузлашув вақтида ноқулайлик ва оғрикка барча 97 нафар (100%) беморлар шикоят қилишди, оғиз бўшлиғида “яралар” мавжудлиги – 92 нафар (94,8%) беморларда кузатилди, оғиз бўшлиғида қуруқлик – 11 нафар (11,3%) беморда аниқланган бўлса, 61 нафар (62,9%) беморлар олдинроқ шунга ўхшаш шикоятлар бўлганлигини билдиришди, 36 нафар (37,1%) беморда шикоятлар биринчи бор бевосита муружаат қилишган ва тадқиқотга киритилишдан аввал юзага келди.

Баъзи беморлар шунингдек: субфебрил даражагача ҳарорат кутарилиши, бош оғриги, умумий бетобликни қайд этишди. Оғрикнинг интенсивлиги шикастланган элементлар сонига, уларнинг ўлчовига ва жойлашувига бевосита боғлиқ бўлди.


Тадқиқотда иштирок этаётган беморларнинг I гуруҳида СҚАС нинг ўртача давомийлиги $3,2 \pm 1,1$ йил, II гуруҳда эса $2,5 \pm 0,9$ йилни ташкил этди. Агар текширилган беморлар ўртасида СҚАС давомийлиги I гуруҳ беморларида (гелминтозлар мавжудлиги исботланган) II гуруҳ беморларига қараганда, касалликнинг ишончли ($p < 0,05$) узоқ кечувдвалигини сезиш мумкин. Касалликнинг гуруҳлар бўйича СҚАС давомийлиги I-расмда келтирилган.



1-расм. Гуруҳлар бўйича СҚАС давомийлиги

ОБШҚ кўриқдан ўтказилганида ўтув бурманинг ШҚ ида афталар

жойлашуви 45 нафар (46,4%) беморда, тилнинг ён юзаси ШҚ ида – 25 нафар (25,7%) беморда, юкори ва пастки лабларнинг ШҚ ида – 13 нафар (13,4%) беморда, лунж ШҚ ида – 6 нафар (6,1%) беморда, оғиз бушлиғининг тубида ШҚ ида – 4 нафар (4,2%) беморда, ретромолар соҳа ШҚ ида – 2 нафар (2,06%) беморда, юмшоқ танглай ШҚ ида – 2 нафар (2,06%) беморда қайд этилди (2-расмга қаранг). 65 нафар (67%) беморда афталар бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳаларда аниқланди.



2-расм. СҚАС мавжуд беморларнинг оғиз бушлиғида афталар жойлашуви

45 нафар (46,7%) беморларда диаметри 3-10 мм булган бир нечта (1-2) майда, деярли оғримайдиган, фибриноз караш билан қопланган афталар қайд этилди. Бу беморларда организмнинг умумий ҳолати нормал бўлди. 48 нафар (49,5%) беморларда фибриноз караш билан қопланган, ўткир оғриқли, асоси сезиларли даражада инфилтрацияланган, ўлчами 5-11 мм гача булган 2-3 та афталар қайд этилди. 4 нафар (4,1%) текширилувчиларда тананинг субфибрил ҳарорати, бетоблик, иштаҳанинг пасайиши, сержаҳллилиқ кузатилди. Оғиз бушлиғида афталар жойлашуви гуруҳлар бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Оғиз бушлиғида афталар жойлашуви гуруҳлар бўйича тақсимланиши.

Соҳалар	I гуруҳ		II гуруҳ	
	Абс	%	Абс	%
Утув бурма ШҚида	21	42,9	24	50,0
Тил ён юзаси ШҚида	14	28,6	11	22,9
Лаблар ШҚида	6	12,2	7	14,6
Лунжлар ШҚида	4	8,2	2	4,2
Оғиз бушлиғи туби ШҚида	3	6,1	1	2,1
Ретромолар соҳа ШҚида	1	2,0	1	2,1
Юмшоқ танглай ШҚида	0	0,0	2	2,1
Жами	49	50,5	48	49,5

СҚАС мавжуд беморларда ОНІ-S индекси урганилганда, у ўргачи $1,6 \pm 0,06$ ни ташкил этди, бунда 31 нафар (31,96%) беморда у коникарли

(0,7-1,6 балл), 51 нафар (52,58%) беморда кониқарсиз (1,7-2,5 балл) сифатида баҳоланди. Шу билан бирга беморларнинг I гуруҳида ОНІ-S индекси ўртача $1,8 \pm 0,2$ ни ташкил этди, бу кониқарсиз сифатида баҳоланди, лекин бу гуруҳ беморларининг бир қисмида – 17 (34,69%) ОНІ-S индекси яхши ва кониқарли кўрсаткичда бўлди. II гуруҳида ОНІ-S индекси ўртача $1,7 \pm 0,1$ ни ташкил этди ҳамда бу кониқарсиз сифатида баҳоланди. Бунда 21 нафар (43,75%) беморда индекс яхши ва кониқарли сифатида баҳоланди. Шундан келиб чиқиб, СҚАС мавжуд беморларда ОНІ-S индексининг ўртача кўрсаткичлари гельминтоз билан ўзаро боғлиқликка эга бўлди. Бироқ, ШФ ($p=0,28$) даражаси билан заиф турғи корреляцияли боғлиқлик, sIgA ($r=-0,24$) даражаси билан заиф тесқари корреляцияли боғлиқлик аниқланди. ОНІ-S индексининг батафсил маъдмотлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. СҚАС мавжуд беморлар гуруҳида ОНІ-S индекси бўйича оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати

ОИБ(огирлик индексини баҳолаш) бўйича иккала гуруҳ беморларида СҚАС кечувининг огирлиги баҳоланганида қуйидаги натижалар кузатилди: ўрта огирликдаги СҚАС I гуруҳида 25 нафар (51,02%) беморда ва II гуруҳида 13 нафар (22,08%) беморда учради; оғир даража – мос равишда 17 нафар (34,69%) ва 5 нафар (10,42%) беморда аниқланди. СҚАС нинг енгил даражаси I гуруҳида 7 нафар (14,28%) беморда кузатилган бўлса, II гуруҳида 30 нафар (62,5%) беморда аниқланди (4-расм).



4-расм. Гуруҳлар бўйича СҚАС огирлигининг нисбати (ОИБ)

СҚАС кечувининг давомийлиги ва гельминтоз инвазия мавжудлигига боғлиқ равишда шикоят, у ёки бошқа шикоятнинг частотаси ва ифодаланганлигига ҳамда юқорида келтирилган индексларга катта эътибор қаратилди.

Куйида келтирилган 2 ва 3-жадвал маълумотларидан шикоятларнинг динамикаси ва уларнинг устунлиги организмда гельминтозлар мавжудлиги ва СҚАС давомийлигига боғлиқлиги яққол кузатилмоқда. Шундай қилиб гельминтозлар мавжудлигида, барча беморлар ОБШҚда афталар аниқланди. II гуруҳда – 43 нафар (89,6%) беморда. I гуруҳда кўпроқ оғиз бушлигининг куриши учради – II гуруҳдаги 6,25% га қарши 16,3%, бу тенденция оғиз бушлиги ШҚ шишига нисбатан ҳам сақланиб қолди: II гуруҳдаги 22,92% га қарши I гуруҳда 57,14%, юқори саливация – мос равишда 6,25% ва 22,45%. Ҳолатнинг оғирлигини анамнезда шикоятлар мавжудлигини I гуруҳда 79,59% ва II гуруҳда 45,38% бемор тасдиқлайди.

Баҳо индексларига тўхталадиган булсак, уларнинг динамикаси, албатта, СҚАС давомийлигининг ортиши билан боғлиқ, лекин гельминтоз негизида СҚАС мавжуд I гуруҳ беморларида барча индексларнинг юқори курсаткичлари эътибор қаратиш лозим. Бу ҳам беморларнинг оғиз бушлиги ШҚ ҳолатига, асоратларнинг кечуви ва оғирлигига гельминтозларнинг таъсирини тасдиқлайди.

2-жадвал

Касалликнинг давомийлигига боғлиқ равишда I гуруҳда СҚАС индекси ва беморлар шикоятларининг учраш частотаси

Кўрсаткичлар	СҚАС давомийлиги									
	I-ойгача (n=1)		1-12 ой (n=15)		1-5 йил (n=26)		5 йилдан ортиқ (n=7)		Жами (n=49)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Овқат тановул қилишда ноқулайлик, оғрик	1	100	15	100	26	100	7	100	49	100
Оғиз бушлигида “яралар” мавжудлиги	1	100	15	100	26	100	7	100	49	100
Оғиз бушлигида қуруқлик	1	100	1	6,67	1	3,85	5	71,43	8	16,33
Оғиз бушлиги ШҚ да шиш	1	100	10	66,67	12	46,15	5	71,43	28	57,14
Куп микдорда сулак ажралиши	1	100	2	13,33	3	11,54	5	71,43	11	22,45
Биринчи бор қайд этилган шикоятлар	1	100	4	26,67	5	19,23	0	0,00	10	20,41
Анамнезда учраган шикоятлар	0	0	11	73,33	21	80,77	7	100	39	79,59
WTC INDEX (M±σ)	6		8,3±0,8		8,8±0,9		10,1±0,8		8,6±0,6	
ONI-S INDEX (M±σ)	0,6		1,4±0,07		1,9±0,1		2,4±0,1		1,9±0,08	
СҚАС оғирлигининг индекс баҳоси (УОИ) (M±σ)	0,9		1,4±0,07		1,8±0,06		2,3±0,08		1,8±0,07	

**Касалликнинг давомийлигига боғлиқ равишда II гуруҳда СҚАС
индекси ва беморлар шикоятларининг учраш частотаси**

Курсаткичлар	СҚАС давомийлиги							
	1-ойгача (n=11)		1-12 ой (n=20)		1-5 йил (n=17)		Жами (n=48)	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%
Овқат тановул қилишда ноқулайлик, оғрик	11	100	20	100	17	100	48	100
Оғиз бўшлиғида “яралар” мавжудлиги	10	90,91	17	85,0	16	94,12	43	89,58
Оғиз бўшлиғида қуруқлик	1	9,09	1	5,0	1	5,88	3	6,25
Оғиз бўшлиғи ШҚ да шиш	1	9,09	4	20,0	6	35,29	11	22,92
Қуп микдорда сулак ажралиши	1	9,09	1	5,0	1	5,88	3	6,25
Биринчи бор қайд этилган шикоятлар	5	45,45	10	50,0	11	64,71	26	54,17
Анамнезда учраган шикоятлар	6	54,55	10	50,0	6	35,29	22	45,83
WTC INDEX (M±σ)	6,6 ±0,6		7,8±0,8		8,6±0,7		8,2±0,7	
OHI-S INDEX (M±σ)	0,8±0,07		1,2±0,05		1,6±0,08		1,5±0,06	
СҚАС оғирлигининг индекс баҳоси (ИОТ) (M±σ)	0,8±0,04		1,2±0,08		1,8±0,07		1,4±0,07	

Шундай қилиб, иккала Урганилаётган гуруҳларда касаллик кучайишининг частотаси СҚАС давомийлигига боғлиқ бўлди, лекин I гуруҳда касаллик солиштира давомийликка эга бўлган беморлар орасида касаллик кучайиши II гуруҳ билан таққослаганда ишончли юқори бўлди. Бунини I гуруҳ беморларида гельминтоз инвазия мавжудлигида деб ҳисоблаймиз.

СҚАС давомийлигига боғлиқ равишда беморларнинг гуруҳлари бўйича СҚАС кучайишининг частотаси 4-жадвалда келтирилган.

**СҚАС давомийлигига боғлиқ равишда беморларнинг гуруҳлари
бўйича СҚАС кучайишининг частотаси**


Кичик гуруҳлар	Йилига СҚАС кучайишининг частотаси	СҚАС давомийлиги				
		1-ойгача (n=12)	1-12 ой (n=35)	1-5 йил (n=43)	5-йилдан ортиқ (n=7)	Жами (n=97)
I (n=49)	1-2	1	0	0	0	1
	3-5	0	7	8	0	15
	6-8	0	6	11	2	19
	9-12	0	2	7	5	14
II (n=48)	1-2	11	2	1	0	14
	3-5	0	11	5	0	16
	6-8	0	7	7	0	14
	9-12	0	0	4	0	4
Жами (n=97)	1-2	12	2	1	0	15
	3-5	0	18	13	0	31
	6-8	0	13	18	2	33
	9-12	0	2	11	5	18

Олинган натижалардан келиб чиқиб, биз СҚАС кучайишларининг частотаси гельминтозлари мавжуд беморларда юқори, гельминтоз кузатилмаган беморларда эса паст ҳамда касаллик давомийлиги ортиб бориши билан усанглиги хулосаланеди.

Айтиб ўтиш лозимки, WTC INDEX ва ОИБ касаллик узоқ кечган ва кучайишлар частотаси юқори бўлган беморларда ишончли юқори бўлди.

СҚАС билан оғриган беморлар оғиз бушлиғида дисбактериознинг у ёки бошқа даражасига эга бўлганлиги белгиланди; ичак дисбактериози II гуруҳда 36 нафар (75%) беморда ва I гуруҳда 48 нафар (97,96%) беморда қайд этилди.

Ичакда дисбиотик ўзгаришларнинг даражаси шунингдек I гуруҳ текширилувчиларида юқори бўлганлиги белгиланди. Шундай қилиб, ичакда микроорганизмларнинг мезёрий нисбати II гуруҳда 11 нафар (22,91%) беморда аниқланди, I гуруҳда бундай беморлар кузатилмади; II гуруҳда 19 нафар (39,58%) беморда ва I гуруҳда 4 нафар (8,16%) беморда дисбиотик силжиш кузатилди. I ва II даражали дисбактериознинг учраш частотаси I гуруҳда 14 нафар (28,57%) беморда ҳамда II гуруҳда 13 нафар (27,08%) беморда аниқланди, III даражали дисбактериоз частотаси эса I гуруҳда – 19 нафар (38,77%) ва II гуруҳда 5 нафар (10,41%) беморда кузатилди, шу билан бирга I гуруҳда 12 нафар (24,48%) беморда IV даражали дисбактериоз аниқланди (5-расм).



5-расм. Беморларнинг ичак дисбактериозининг даражаси бўйича тақсимланиши.

Оғиз суюқлигида ихтисослашмаган иммунитет кўрсаткичларининг ўзгариши гельминтознинг клиник кўринишларига боғлиқ бўлди. Шундай қилиб I гуруҳда клиник ифодаланмаган гельминтозда биз лизоцим даражасининг $48,1 \pm 3,4\%$ ($p < 0,05$) гача тушиши ва sIgA концентрациясининг $18,2 \pm 2,8\%$ ($p > 0,05$) га тушиш тенденцияси кузатилди.

II гуруҳ беморларининг сўлагига лизоцим фаоллигининг камайиши $20,02 \pm 2,43\%$ ($p < 0,01$) гача кузатилган бўлса, I гуруҳ беморларида эса $30,53 \pm 4,72\%$ ($p < 0,01$) га тенг бўлди. Фагоцитознинг камайиши мос равишда $15,5 \pm 3,41\%$ ($p < 0,01$) ва $31,26 \pm 4,69\%$ ($p < 0,01$) кўрсаткични қайд этди (9 жадвал).

СҚАС мавжуд беморларнинг оғиз суюқлигида иммунологик кўрсаткичларнинг тахлили 85,7% ҳолатда оғиз суюқлиги кўрсаткичларининг фаоллиги сезиларли даражада пасайганлигини аниқлаш имконини берди. Сулакда IgA даражасининг 2,2 марта ва айниқса sIgA нинг – 2 марта ишончли ($p < 0,05$) камайиши кузатилди. СҚАС мавжуд беморларда сулакда ихтисослашмаган химоя функцияси сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу унинг лизоцим фаоллиги ўртача 1,9 марта камайишида намоён бўлди.

sIgA даражаси дисбактериоз ифодаланиш даражаси билан боғлиқлиги аниқланди. I ва II даражали дисбактериозда оғиз суюқлигида sIgA ва IgA даражалари назорат гуруҳи билан таққослаганда ортиши кузатилди. III даражали дисбактериозда sIgA ва IgA нинг пасайиши кузатилади. IgG концентрацияси дисбактериоз даражаси оғирлашиб бориши билан ортиши кузатилди.

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида оғиз суюқлиги биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш натижалари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=49)	II гуруҳ (n=48)	НГ
Ишқорий фосфатаза, нмол/дақ×мл	1,92±0,08*	1,84±0,08*	1,29±0,07
Нордон фосфатаза, нмол/дақ×мл	1,94±0,15*	1,82±0,16*	1,52±0,09
Сиал кислоталар, бирл	8,62 ±0,14*	8,5±0,16*	6,8 ±0,18
IgA, г/л	0,19±0,006*	0,16±0,005*	0,07±0,004
IgG, г/л	0,14±0,005*	0,17±0,005*	0,09±0,003
Лизоцим, %	23,9±1,4*	28,4±2,1*	45,1±2,4
sIgA, г/л	0,14±0,04*	0,17±0,04*	0,31±0,08
Ксб.	5,71±0,22*	5,41 ±0,23*	1,51±0,19

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарқлар ($p < 0,05$).

СҚАС мавжуд беморларда sIgA ($p=0,60$) ва IgA ($p=0,34$), мос равишда нордон фосфатазали ($p=0,52$) ва ишқорий фосфатазали ($p=0,46$) каби кўрсаткичларнинг аҳамиятли ($p < 0,05$) ўрта кучли тўғри корреляцияли боғлиқликлари аниқланган. IgG нинг лизоцим ($p=-0,53$) ва сиал кислоталар ($p=-0,48$) даражалари билан аҳамиятли ($p < 0,05$) ўрта кучли тескари корреляцияли боғлиқлиги белгиланган.

Назорат гуруҳи билан таққослаганда I гуруҳ беморларнинг оғиз суюқлигида сиал кислоталар даражаси, ишқорий фосфатаза фаоллиги, лизоцим ва sIgA пасайган, Ксб индекси ошган.

Ишқорий фосфатаза (ИФ) фаоллигини ўрганганимизда қуйидаги натижаларга эга бўлдик: барча беморларда ИФ даражаси юқори бўлди, бу оғиз бўшлиғи юмшоқ туқималарида яллиғланиш жараёнлари мавжудлигидан гувоҳлик қилади. 5 нафар (5,2%) беморларда ИФ нинг сезилмас даражада ортиши кузатилди - 1,1±0,08 нмол/дақ×мл; текширилувчиларнинг аксарият қисмида – 90 нафар (92,8%) беморда ИФ кўрсаткичлари 0,8-0,9 нмол/дақ×мл ни ташкил этди ва 2 нафар (2,06%) беморда кўрсаткичлар 0,74 ва 0,76 нмол/дақ×мл га тенг бўлди. Худди шундай тенденция нордон фосфатаза (НФ) ва сиал кислоталар учун ҳам хос бўлди.

Ксб индекси сезиларли даражада кутарилди, бу ШҚнинг фаол

яллиғланишидан дарак беради. Лизоцим даражаси тушди, бу маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг камайишидан дарак беради. Касалликнинг узок муддат давомийлиги sIgA ва IgA ларнинг камайиши билан тасдиқланади. Бунда, бу жараёнлар гельминтозлар мавжуд беморларда кучли кечганлигини айтиб ўтиш лозим.

Диссертациянинг «Текширилган беморларда сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни даволаш кўрсаткичларининг динамикаси ва натижаларининг таққосланиши. Текширилган беморларда сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс дори-дармон билан даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган туртинчи бобида СҚАС ни комплекс даволаш усуллари ҳамда даволаш натижалари хақида баён қилинган.

СҚАС ни даволашда биз Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида белгиланган тартибда қўллашга рухсат берилган дори воситалари ва препаратларидан фойдаланилди.

Дори-дармон терапияси СҚАС ни стандарт даволанишини уз ичига олди:

Беморларга антигистамин қатори препаратлари тайинланди. 10 кун давомида кунига 1 маҳал 0,001 г ли 1 тавегил таблеткаси қўлланилди. Кейин 10 кун танаффус белгиланди ва 10 кунлик курс такрорланди. Тавегилни супрастин 0,025г, эриус 0,005г, задитен 0,001г билан алмаштириш мумкин.

Иммунитетни тиклаш мақсадида 1 ой давомида кунига 3 маҳал 1 дона 0,5 г метилурацил таблеткаси тайинланди.

Ихтисослашмаган гипосенсибилизация учун ҳар куни вена ичига 10 мл натрий тиосульфат 30% аралашмаси, курсда 6-8 инъекциядан белгиланди.

Хужайра метаболизмини митохондрийлар даражасида алмашинув жараёнларини меъёрлаштириш ва кўзгатиш учун метаболлик таъсирга эга препаратлар қўлланилди: 14 кун давомида кунига 4 маҳал 0,1 г дан калций препарати (хлорид, глицерофосфат, глюконат).

Комплекс витамин терапияси қўлланилди.

• 1 ой давомида кунига 3 маҳалдан 0,1г 1 таблеткадан С витамин (аскорбин кислота);

• мушак ичига 10 инъекцияли курсда 1 мл дан 0,01% ли В₁₂ витамин (цианокобаламин);

• мушак ичига 10 инъекцияли курсда 1 мл дан 1% аралашмали В₂ витамин (рибофлавин мононуклеотид);

• 1 ой давомида кунига 3 маҳал овқатдан кейин 0,05г 1 таблеткадан Р¹ витамин (никотин кислота);

• 1 ой давомида кунига 3 маҳал овқатдан кейин 0,02 г 1 таблеткадан В₆ витамин (пиридоксалфосфат).

Оғиз бушлигининг маҳаллий антисептик ишлови учун антисептик аралашмалар тайинланди: хлоргексидин 0,05% аралашмаси, водорол пероксид 1% аралашмаси, мирамистин 0,01% аралашмаси ва бошқалар.

Ичак дисбактериозини даволаш учун биз капсула, таблеткалар кўринишида ёки флакондан (ампула) суткасига 2 маҳал курук дори шаклидаги

5 доза Бифидумбактерин тайинладик.

Бутун дори-дармон терапияси 2 ой ва 5 ойдан кейин беморларга такроран тайинланган ҳолда ўтказилди.

Шунингдек I гуруҳда барча беморларга биринчи комплекс терапия таркибида курс билан мос келувчи этиопатогенетик гельминтга қарши терапия ўтказилди ва шундан сўнг ҳар кейинги курснинг бошланишидан аввал беморлар гельминтозга таҳлил топширди.

Қушимча тарзда беморларга СҚАС ни маҳаллий даволаш учун беморларга ичиш учун таблетка кўринишида «Гарлспин» ва маҳаллий «Саримсоқнинг мой экстракти – Мекретин» препаратлари тайинладик.

«Мекретин» – замонавий технологиялардан фойдаланиб, етилган саримсоқ пиёзидан олинадиган табиий маҳсулот. У «табиий антибиотик» ҳисобланади, бактериялар, вирус ва замбуруғли патоген флорани муваффақиятли сундиради. Яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи таъсирга эга.

Беморларимизга дори-дармонсиз ёрдам уларни оғиз бушлигининг гигиенасига, тишларни назоратли тозалашга ўргатиш ва кузатиш, профессионал гигиена чораларини қўллаган ҳолда оғиз бушлигининг санациясидан иборат бўлди. Барча беморларимизга аччиқ, иссиқ, қўпол таомларни, спиртли ичимликлар истеъмолидан ва ҳар қандай турдаги чекишдан қатъий тийилишни тавсия қилдик.

Даволашни бошлашдан аввал иккала гуруҳнинг ҳар бирини икки кичик гуруҳларга ажратдик (А ва Б). А кичик гуруҳларида (IA ва IIA) СҚАС нинг стандарт терапияси + қўшимча ичишга «Гарлспин» ва маҳаллий «Мекретин» препаратини қўлладик, Б кичик гуруҳларида эса (IB ва IIB) афтларга аппликациялар кўринишида фақат маҳаллий «Мекретин» препаратини қўлладик. IA кичик гуруҳга 25 нафар бемор, IB, IIA ва IIB гуруҳларига 24 нафардан бемор киритилди.

Ўтказилаётган даволашнинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари беморларнинг субъектив оғриқ ҳислари ва ОБШҚ нинг объектив кўрик маълумотларидан ташқари, тавсияларга кўра, ОБШҚ микробиоценози, Кбс, sIgA ва IgA, IgG ва оғиз суюқлигининг лизоцим даражаси бўлди.

СҚАС даврий равишда кучаядиган узоқ кечувчи касаллик ҳисобланар экан, биз тадқиқот даври давомида – 12 ой кучайишлар сонига эътибор қаратдик. Бемор тадқиқотга киритилганидан кейинги 1, 3, 6 ва 12 ойларни ҳисобот давлари сифатида танладик. 1 ой муддатда 2 кун ва кейинги гашрифларда 7 кун фарқка йўл қўйилди.

Ҳар бир якунига етган даврда касалликни даволаш анамнезини синчиклаб ўргандик, тайинланган дори-дармон терапиясининг тўлиқ ижросига эътибор қаратдик ва комплаенсни баҳоладик. Белгиланган муддатда ташриф буюрмаган ёки дори-дармон терапиясининг тавсияларини бажармаган беморлар дизайнга кўра тадқиқотдан чиқарилди.

Ўтказилган комплекс даволашдан кейин 1 ой ва ундан кейинги муддатларда иккала гуруҳнинг А кичик гуруҳларида оғиз даҳлизи ва оғиз

бушлиғида ШҚ ҳолатининг динамикаси сезиларли даражада яхшиланди, лунжлар, милклар, қаттиқ ва юмшоқ танглай ШҚ ранги сезиларли даражада яхшиланди ва даволашдан кейин 6 ой утиб деярли меъёрлашди. Бу айниқса I гуруҳ беморларида яққол сезилди, бу кўп эҳтимол билан гелминтоз инвазиянинг тузалиши ва бутун ичак биоценозининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлди. Буни қисман WTC индекси ҳам тасдиқлайди. WTC INDEX иккала гуруҳнинг А кичик гуруҳларида сезиларли ижобий динамикага эга бўлди, шу билан бирга энг яхши ўзгариш IA кичик гуруҳда, энг ёмон ўзгариш IIБ кичик гуруҳда кузатилди (6-жадвал).

6-жадвал

СҚАС мавжуд беморлар даволанишдан олдин ва кейин WTC INDEX ўзгариши

Кичик гуруҳлар		СҚАС давомийлиги				
I гуруҳ		1 ойгача (n=1)	1-12 ой (n=15)	1-5 йил (n=26)	5 йилдан ортик (n=7)	Жами (n=49)
IA (n=25)	Даволашдан олдин	6	8,3 ±0,8	8,8±0,9	10,1±0,8	8,6±0,6
	1 ойдан кейин	4	6,4 ±0,7*	7,6±0,5	8,3±0,8*	7,3±0,7
	3 ойдан кейин	4	4,3 ±0,6*	5,5±0,8*	6,1±0,7*	5,6±0,7*
	6 ойдан кейин	2	3,6 ±0,7*	4,6±0,6*	5,1±0,6*	4,6±0,8*
	12 ойдан кейин	2	3,1 ±0,4*	3,8±0,7*	4,2±0,7*	3,6±0,7*
IB (n=24)	Даволашдан олдин	-	8,4 ±0,8	8,9±0,9	10,3±0,9	8,8±0,7
	1 ойдан кейин	-	6,8 ±0,6*	7,8±0,6	9,0±0,7	7,7±0,8
	3 ойдан кейин	-	5,6 ±0,8*	6,2±0,7*	7,2±0,8*	6,0±0,9*
	6 ойдан кейин	-	4,2 ±0,6*	5,3±0,6*	5,6±0,9*	4,9±0,8*
	12 ойдан кейин	-	3,7 ±0,5*	4,4±0,9*	4,8±0,8*	4,2±0,7*
II гуруҳ		1 ойгача (n=11)	1-12 ой (n=20)	1-5 йил (n=17)	5 йилдан ортик (n=0)	Жами (n=48)
IIA (n=24)	Даволашдан олдин	6,6 ±0,6	7,8±0,8	8,6±0,7	-	8,2±0,7
	1 ойдан кейин	5,2 ±0,7*	6,5±0,7	7,7±0,8	-	6,9±0,8
	3 ойдан кейин	4,4 ±0,6*	5,4±0,6*	6,6±0,9*	-	6,0±0,8*
	6 ойдан кейин	3,3 ±0,5*	4,3±0,9*	5,2±0,7*	-	4,7±0,8*
	12 ойдан кейин	2,5 ±0,4*	3,6±0,8*	4,1±0,6*	-	3,8±0,7*
IIB (n=24)	Даволашдан олдин	6,7 ±0,8	7,7±0,8	8,5±0,7	-	8,1±0,8
	1 ойдан кейин	5,4 ±0,8	6,7±0,7	7,9±0,8	-	7,2±0,8
